



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(2020 йил февраль)

Доцент:

Малака ошириш факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ва ХДЖ” кафедраси

Катта ўқитувчи:

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.

Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Ассистентлар:

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси
Даволаш факультетига қарашли “1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Микробиология, вирусология ва иммунология” кафедраси

Тошкент тиббиёт академияси, ректорати ва касаба уюшмаси Анатолия, клиник анатомия кафедрасининг собиқ доценти

Саид Турсунович ТУРСУНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси, ректорати ва касаба уюшмаси Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси ассистенти Шодиев Аслиддин Исомиддиновичнинг отаси

Исомиддин ота ШОДИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси, ректорати ва касаба уюшмаси Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Бобомуродов Турдикул Акримовичнинг отаси

Меҳринисо ЭЛМУРОДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

Дунёнинг минг-минглаб касблари орасида “Ватан ҳимоячиси”дек буюк касб ва шарафли бурч борки, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмуни ва олийжаноблигини, аҳамияти ва ҳурматини ҳеч қачон йўқотмайди.

Ватан – муқаддас. Уни севиш ва муносиб ҳимоя қилиш бурч ҳисобланади. Ўзини бу бурч олдида масъул деб билган ҳар бир ўзбек фарзанди борки, оиласи, ота-онаси, юртининг тинчлигини асраш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва эркин, фаровон ҳаёт қуришга бел боғлайди. Бу эса уларга “Ватан ҳимоячиси” деган юксак ва шарафли номни тақдим этади. Кўҳна тарихга назар соладиган бўлсак, соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам юрт тинчлиги, унинг муҳофазасини биринчи ўринга қўйиб, доимо мана шу эзгу мақсад йўлида жасорат, мардлик намуналарини кўрсатган.

Муборак истиқлол сабаб армия ва ҳарбий хизматнинг нуфузи ошди, ҳарбийлик шарафли касблардан бирига айланди. Бугун замонавий курул-яроғ ва техника билан таъминланган, миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига таянган миллий армиямиз бор, унинг сафида эса юксак жисмоний тайёргарлик, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ватан ҳимоячилари хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

ТАЪЛИМ САВИЯСИНИ ОШИРИШ БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ

Ўзининг мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олган Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасини ҳам собит қадамлик билан ислоҳ қилиб бормоқда.

Айниқса, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган, бу борадаги ишлар кенг кўламга эришди. Ушбу ҳужжатларнинг талаблари асосида билим ва касб-хунар эгаллашга бўлган эътибор кучайиб кетди. Шу тўғрисида таълим-тарбия тизимига янги илмий-услубий ёндашувлар кириб кела бошлади.

Бу ёндашувлар ўз навбатида, ўқув жараёнининг турли ташкилий ва методик жамғармаларида муайян ижобий ўзгаришларни содир этади, албатта. Уларнинг кўпчилиги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат билан узвий боғлиқ ўзгаришлардир.

Ўқув фаолияти – бу кенг маънода инсон фаолиятининг муайян мақсадлар йўналишида намоён бўлишидир. Бу фаолият фақат инсоният жамиятида амалга оширилиши сабабли, у нафақат ҳар бир инсон, балки бутун жамиятнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қилади.

Сўнги йилларда мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўқув жараёнини демократ-лаштириш, инсонпарварлаштириш асосида уни шахсга йўналтириш учун ҳам замин ҳозирлади. Таълим жараёнини сифат босқичига кўтариш талаб қилинаётган бугунги кунда уни тўлалигича ўқувчи шахсга йўналтириш, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги фаол ҳамкорликни амалга ошириш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Хусусан, Тошкент тиббиёт академияси ҳузурдаги Ҳарбий-тиббиёт факультети қиёфаси бугунга келиб буткул ўзгариб бормоқда, ўқув-моддий базаси ривожлантирилмоқда, аудиториялар қулай, шинам кўринишга эга. Бироқ сир эмаски, ҳар қандай олий таълим муассасасининг ички гўзаллик ва нафосатини яратадиган унга маъно-мазмун бахш этадиган бу профессор-ўқитувчилар, уларнинг билим, малака ва педагогик маҳорати, илмий салоҳиятидир.


Жанговар шайлик, қалби бутун, юрт фаровонлиги, унинг дахлсизлиги учун жон тикадиган ватанпарвар ҳарбий врач кадрларни тайёрлаш вазифасини тўлиқ адо этиш мақсадида Мудофаа вазирилик томонидан қатор лойиҳа ва ташаббуслар амалиётга жорий этилмоқда.

Ҳарбий-дала терапияси кафедраси педагог жамоаси йиғилишида ой якунлари ва семестр натижалари таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилмоқда. Келгусида амалиётга жорий этилиши кўзда тутилаётган таклиф ва режалар ўртага ташланиб кенг ва атрофлича муҳокама қилинмоқда. Ушбу йиғилишларда ҳар бир ўқитувчи ва кафедра фаолиятига баҳо берилмоқда. Кафедра жамоасининг охириги йиғилишида ўқув машғулотларининг самарадорлигини ошириш мақсадида янги услубларни ўқув жараёнига татбиқ этиш масалалари кенг муҳокама қилинди. Етук олий ҳарбий ўқув муассасаларнинг илгор тажрибалари ўрганиб чиқиш ва уларни кафедра ўқитувчилар томонидан амалга жорий этилиши ҳақида хулосага келинди.

(Давоми 3-бетда.)



**Ҳамроҳни сен ўзинг каззоб танласанг,
Тақдирда не гуноҳ, азоб танласанг.**



Ўтган йилнинг 2-5 декабрь кунлари Қозон давлат тиббиёт университети, Травматология, ортопедия ва экстремал ҳолатлар кафедраси мудири, Россия Федерацияси Тиббиёт ва Техника фанлар академияси академиги, Татаристон Республикаси хизмат кўрсатган ихтирочи ва шифокори, Татаристон Республикаси Фан ва Технологиялар Давлат мукофоти лауреати, академик Г.А.Илизарова номидаги Фонд мукофоти лауреати, етти тиббий журналларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси, т.ф.д., профессор Илдар Ахтямов Фуатович Тошкент тиббиёт академияси Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедрасига ташриф буюрди.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Тошкент тиббиёт академияси Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси томонидан Россия Федерациясидаги ҳамкоримиз – Қозон давлат тиббиёт Университети, Травматология, ортопедия ва экстремал ҳолатлар кафедраси мудири, т.ф.д., профессор Илдар Ахтямов бакалавр, магистр ва аспирантларга бир қатор маърузалар ўқиш, йирик бўғимлар касалликларини замонавий даволаш усуллари бўйича маҳорат дарсларини ўтказиш учун таклиф этилди.

Илдар Ахтямов Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасига ташриф буюрди ва кафедра профессор-ўқитувчилари билан ўқув жараёнини ташкил этиш билан танишди. Тошкент тиббиёт академияси ва Қозон давлат тиббиёт университети ҳамкорлиги доирасида тузилган 3+3 программаси бўйича таълим олаётган 1-курс талабалари, Тошкент тиббиёт академиясининг 4-курс талабалари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда талабалар билан бўғим касалликларини даволашнинг консерватив усуллари бўйича суҳбатлашилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Шундан сўнг магистрлар, кафедра ва клиника ходимлари учун “Чаноқ сон ва тизза бўғимини артропластиканинг замонавий усуллари” мавзусида маъруза қилинди.

Профессор И.Ахтямов 412-гуруҳ талабаларининг семинар машғулотига қатнашди. Машғулот давомида талабалар ва ўқитувчилар билан таълимнинг инновацион усуллари бўйича ўртоқлашди. Семинардан сўнг Тошкент тиббиёт академиясининг ректори, профессор Л.Тўйчиев билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, травматология-ортопедия магистрларини 2-3 ойга Қозон давлат тиббиёт университетида малака

оширишга бориши бўйича келишиб олинди. “Тизза бўғимини артропластиканинг замонавий усуллари” мавзусида бўлиб ўтган маҳорат дарсларида Тошкент тиббиёт академияси шогилчин травматология ва ортопедия бўлими ходимлари қатнашди.

Бир қатор маърузалар давомида талабалар ва магистрантлар таянч ҳаракат тизими касалликларини диагностика қилиш ва даволашнинг замонавий методлари, беморларни текширишнинг асосий инструментал усуллари ва тизза артропластиканинг замонавий усуллари билан танишди. Маърузалар давомида профессор И.Ахтямов ва мутахассислари ўртасида ўзаро мулоқот қилинди. Иштирокчиларнинг саволларига жавоблар берилди.

2019 йилнинг 6-7 декабрида Гиссен Университети профессори Рейнхард Шнеттлер ҳамда Россия Халқлар Дўстлиги Университети доценти Денис Римашевский Владимирович Тошкент Тиббиёт Академияси Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедрасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Тошкент тиббиёт академияси Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси томонидан – Юстус Либих номидаги Гиссен университети (Германия) профессори Рейнхард Шнеттлер ҳамда Россия Халқлар Дўстлиги университети, Травматология, ортопедия ва артрология кафедраси доценти Денис Римашевский Владимирович бакалавр, магистр ва аспирантларга бир қатор маърузалар ўқиш, эндопротезлашдан кейинги асоратлар, перипротез инфекцияда беморларни оператив даволаш бўйича маҳорат дарсларини ўтказиш учун таклиф этилди.

Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасига ташриф буюрди ва кафедра ходимлари ва Республика суяк-йирингли хирургия маркази ходимлари билан учрашув ўтказилди. Шундан кейин



ҳамкорлик доирасида кафедра профессор-ўқитувчилари билан ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди. Профессор Р.Шнеттлер томонидан “Метициллин резистент беморларда инфекциянинг олдини олиш ва даволаш” бўйича ҳамда доцент Д.Римашевский “Тизза бўғими эндопротезлашдан кейинги перипротез инфекциялар” бўйича маъруза қилди ва унда Тошкент тиббиёт академияси талабалари, магистрлари, кафедра ходимлари ҳамда Республика суяк-йирингли хирургия маркази ходимлари қатнашди.

“Тизза бўғимини ревизион эндопротезлаш” бўйича маҳорат дарсларида Республика суяк-йирингли хирургия маркази ходимлари иштирок этди.

Бир қатор маърузалар давомида талабалар ва магистрантлар таянч ҳаракат тизими касалликларини диагностика қилиш ва даволашнинг замонавий методлари, беморларни текширишнинг асосий инструментал усуллари ва тизза артропластиканинг замонавий усуллари билан танишди. Маърузалар давомида профессор Р.Шнеттлер, доцент Д.Римашевский ва мутахассислар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар ўтказилди.


М.КАРИМОВ,

Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

ТТА бўйича февраль ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

27	Раззақов Алишер Алматович	15.02.1983	Тиббий профилактика ва тиббий биология факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари
28	Мирсултонов Жавлон Азатович	15.02.1975	3-талабалар уйи қоровули
29	Ядгарова Наргиза Фахритдиновна	15.02.1977	Тиббий педагогика факультетининг Психиатрия ва наркология кафедраси катта ўқитувчиси
30	Асадуллаев Хамидхон Максудович	15.02.1986	Малака ошириш факультетининг Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси ассистенти
31	Алиев Азизжон Шавкатович	16.02.1982	Малака ошириш факультетининг Дерматовенерология кафедраси ассистенти
32	Алмуратова Дилбар Мурадовна	16.02.1982	Тиббий педагогика факультетининг Онкология кафедраси катта ўқитувчиси
33	Сағдуллаев Умида Азимовна	18.02.1976	Даволаш факультетининг 2-сон акушер-гинекология кафедраси ассистенти
34	Махсумов Шарафиддин Минхажович	19.02.1958	Тиббий профилактика факультетининг Фармакология кафедраси доценти
35	Исамов Тохир Мансурович	19.02.1988	Даволаш факультетининг Анестезиология ва реаниматология кафедраси ассистенти
36	Махаммаджанова Муяссар Шомансуровна	19.02.1969	Мониторинг ва ички назорат бўлими услубчиси
37	Багаматова Хилола Умирсаидовна	20.02.1970	Тиббий педагогика факультетининг Фтизиатрия ва пульмонология кафедраси ассистенти
38	Мажидов Алишер Шавкатович	20.02.1975	Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи
39	Кенжаева Юлдуз Равшановна	20.02.1988	Даволаш факультетининг 2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти
40	Султонов Санжар Аманович	23.02.1990	Тиббий педагогика факультетининг Фтизиатрия ва пульмонология кафедраси ассистенти
41	Аликулова Дилрабо Якшибаевна	23.02.1977	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси катта ўқитувчиси
42	Шакирова Фарида Жураевна	23.02.1974	Тиббий профилактика факультетининг Гематология, тарнсфузиология ва лаборатория иши кафедраси катта ўқитувчиси
43	Каримова Барно Норматалиевна	25.02.1970	Даволаш факультетининг 2-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
44	Нигматова Гулнора Махсудовна	25.02.1963	Малака ошириш факультетининг 2-сон акушерлик гинекология кафедраси доценти
45	Пахомов Георгий Львович	25.02.1959	Тиббий педагогика факультетининг 2-сон факультет ва госпитал жаррохлик кафедраси доценти
46	Абдукадирова Нодима Хабибуллаевна	26.02.1982	Тиббий профилактика факультетининг Анатомиология ва клиник анатомия кафедраси ассистенти
47	Назарова Дилрабо Эркиновна	27.02.1970	Даволаш факультетининг 2-сон акушер гинекология кафедраси катта ўқитувчиси
48	Раимова Дурдона Акбаралиевна	27.02.1977	Тиббий профилактика факультетининг Гематология, тарнсфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
49	Адилова Зилолаxon Улмасовна	27.02.1973	Тиббий профилактика факультетининг Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби ассистенти
50	Солихов Мирилхом Усманович	28.02.1956	Даволаш факультетининг 1-сон ИКП кафедраси катта ўқитувчиси
51	Саидова Гулбахор Турсуналиевна	28.02.1965	Тиббий профилактика факультетининг Эпидемиология кафедрасининг ассистенти

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.



ТТА бўйича февраль ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Файзиева Зина	02.02.1946	Даволаш факультетининг 1-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
2	Шукуров Фарход Ишқулович	02.02.1966	Малака ошириш факультетининг 2-сон акушерлик гинекология кафедраси доценти
3	Хаялиев Рустем Якубович	03.02.1977	Тиббий педагогика факультетининг 2-сон факультет ва госпитал жаррохлик кафедраси доценти
4	Салоҳидинов Фахриддин Бахриддинович	04.02.1974	Малака ошириш факультетининг Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси ассистенти
5	Кадирова Лола Уткуровна	05.02.1973	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси ўқитувчиси
6	Алиқулов Ихтиёр Тиловқобилович	05.02.1985	Даволаш факультетининг 1-сон ИКП кафедраси ассистенти
7	Худойберганаева Наиля Хамитовна	05.02.1971	Тиббий педагогика факультетининг 2-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси катта ўқитувчиси
8	Илясова Наргиза Хамидиллаевна	05.02.1982	Магистратура бўлим услубчиси
9	Хамраев Алишер Шахобобич	05.02.1964	Малака ошириш факультетининг Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси доценти
10	Файзуллаев Тождиддин Сулаймонович	06.02.1977	Даволаш факультетининг 1-сон умумий ва болалар жаррохлиги кафедраси ассистенти
11	Насиров Саидрасул Камалович	06.02.1989	Тиббий педагогика факультетининг Онкология кафедраси ассистенти
12	Билолова Дилдора Ариджановна	08.02.1989	7-талабалар уйи фарроши
13	Мусаева Лола Жура қизи	08.02.1974	Тиббий педагогика факультетининг Клиник фармакология кафедраси катта ўқитувчиси
14	Турғунов Саидхор Туроб ўғли	09.02.1992	Тиббий профилактика факультетининг Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси ассистенти
15	Абдурахимова Лола Анваровна	09.02.1982	Тиббий педагогика факультетининг 3-сон ички касалликлар доценти
16	Бобожонова Шахноза Йўлдош қизи	10.02.1992	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси ўқитувчиси
17	Махмудов Лазизжон Юсупович	11.02.1983	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
18	Таджибаева Раъно Баходировна	11.02.1976	Тиббий педагогика факультетининг Нормал ва патологик кафедраси катта ўқитувчиси
19	Омонов Акмал Абдусалимович	12.02.1987	Тиббий профилактика факультетининг Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти
20	Қобилов Нодир Рустам ўғли	12.02.1991	Малака ошириш факультетининг Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси ассистенти
21	Анваров Жаҳонгир Абралович	13.02.1982	Тиббий педагогика факультетининг Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
22	Буранова Сагдияна Насуруллаевна	14.02.1987	Тиббий педагогика факультетининг 3-сон ички касалликлар кафедраси ассистенти
23	Худайназаров Хайрулло Хамитович	14.02.1974	Даволаш факультетининг 1-сон умумий ва болалар жаррохлиги кафедраси ассистенти
24	Халиков Пулат Хужамкулович	15.02.1943	Тиббий профилактика факультетининг Гистология ва тиббий биология кафедраси профессори
25	Билолов Эркин Нозимович	15.02.1958	Даволаш факультетининг Офтальмология кафедраси мудири
26	Бобомуратов Шухрат Абдужалилович	15.02.1969	Ўқув ишлари бўйича проректор

ТАЪЛИМ САВИЯСИНИ ОШИРИШ БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Профессор-ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик маҳоратини ошириш орқали таълим-тарбия самарадорлигига эришиш бош мақсадимиз. Бу ўз навбатида курсант ва тингловчиларни касбий билим ва дунёқарашини ривожлантириш, амалий кўникмасини ошириб бориш ва етук мутахассислар етишиб чиқишига замин ҳозирлайди.

Йил давомида кафедра ўқитувчи-профессорлари томонидан ўқув хоналарида курсантлар ва тингловчилар иштирокида интерактив дарслар ташкил этилади, амалий машғулотлар клиник бўлимларда ўтказиб борилмоқда.

Ҳарбий-дала терапия кафедрасида амалий машғулотлар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб борилмоқда, машғулотлар ўқув моддий-техник базалари ва кўргазмали қуроллар билан бойитилган ўқув хоналарида интерактив усуллар билан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, курсант ва тингловчиларнинг билим ва амалий кўникмаларини ошириш ҳамда мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тиббий таъминот бошқармаси, ҳарбий-тиббий факультети раҳбарияти саъйи ҳаракатлари билан ҳарбий-дала терапияси кафедрасида симуляция хонаси ташкил қилинган. Бугунги кунга келиб ушбу симуляция хонаси қўшимча жиҳозлар билан жиҳозланиб, фойдаланиш учун тайёр ҳолатга кетирилган.

Бунинг учун Тошкент тиббий академияси ва Андижон давлат тиббий институти ҳузурида ташкиллаштирилган симуляция марказлари билан ҳамкорликда кафедра ходимлари ўзаро тажриба алмашиб келмоқда, олинган тажриба ва амалий кўникмалар кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан симуляция хонасида ўқув жараёнларига татбиқ қилинмоқда.

Ҳозирги кунга келиб симуляция хонаси терапевтик профилга эга бўлган касалликларни жамловчи манекен роботлар, шошилич ҳолатларда юрак-ўпка реанимациясини ўтказиш учун манекенлар, кўкрак ва қорин бўшлиғи жароҳатланишида кўрсатиладиган шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган манекенлар, жаррохлик амалиётларини бажариш учун фантомлар, турли хилдаги муолажа амалиётларини ўтказишда қўлланиладиган фантом ва муляжлар билан жиҳозланган. Симуляция хонасининг ўқув жараёнидаги самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида амалий машғулотларга татбиқ этилишини ҳам янгилик дейиш мумкин.

Бунинг учун мамлакатимизнинг нуфузли олий таълим муассаса вазирилик ҳамда идораларининг илғор мутахассислари тажрибалари, жумладан Тошкент тиббий академияси профессор-ўқитувчилари тажрибаларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий методик марказ Куролли Кучлар моделлаштириш ва симуляция маркази мутахассислари шунингдек, ҳарбий Академиянинг етакчи услубчилари ўзларининг қизиқарли ва фойдали усуллари билан тажриба алмашиб келинмоқда. Ушбу усуллар аънавий маъруза ўқиш методикасини минималлаштирилгани билан ҳам барча курсант ва тингловчиларга бирдек манзур бўлмоқда. Ташкил этилган жонли мулоқот баҳс-мунозара таълимдаги муаммоли вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳар ким ўз ечимини таклиф этиш усули мудраб ўтирган тингловчиларни ҳам сергак тортириши амалий машғулотларнинг салмоғини ҳамда машғулотлардан қутилаётган натижалар самарадорлигини оширмоқда.

Ўтказилган машғулотлар сўнггида олинган билимларни мустаҳкамлаш ва баҳолаш мақсадида курсант


ва тингловчидан тест синовлари (MyTest) кўринишида қабул қилиниб келинмоқда, бунинг учун ҳарбий-дала терапия кафедрасида компьютер хонаси ташкил қилинган.

Шундай қилиб тўпланган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги пайтда таълим жараёнини фаоллаштириш орқали курсант ва тингловчиларда билим олиш ва кўникмаларни эгаллашга қизиқиш уйғотиш, уларнинг мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, курсант ва тингловчи ва ўқитувчи орасида онгли муносабатларни ўрнатиш, курсант ва тингловчиларнинг ахборот манбалари билан мустақил ишлаш фаолиятларини шакллантириш ва уларнинг машғулотларга мунтазам ва тўлиқ иштирокини таъминлашга эришиш мумкин.

Ҳарбий-дала терапия кафедрасида ўқув жараёнида фаол методлардан самарали қўллашга йўналтирилган бир қатор услублар ва ишлар ҳақида фикр юритилиб, уларни фанни ўқитишда қўллаш имкониятлари ёритиб берилди. Фаол услублар таснифи ишлаб чиқилди ва моҳияти ҳамда мазмуни келтирилди.

Таълим олувчиларни фаоллаштириш ва мустақил билим олишга ўргатиш ғояси янгилик эмас. Фақат жамият ривожланишига қараб, замонавий таълим талабларни қондирувчи ёндашувларни ишлаб чиқиш, фақат фаол услублар амалда татбиқ этиш бугунги кун долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Таълим жараёнига фаол услубларни қўллаш орқали курсант ва тингловчиларининг билим имкониятлари, мустақил ўрганиш қобилиятларини, ижодкорликни ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришга эришиш мумкин.

И.МАМАТОВ,
Ҳарбий дала терапияси кафедраси ўқитувчиси, доцент



ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

Давоми. Боши 1-бетда.

Президентимизнинг "Ватан ҳимоячиси бўлган жасур ва фидойи ҳарбийларимиз мардондор хизмати туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада мустаҳкамлаб бормоқда" деган сўзлари ҳарбий хизматчиларнинг кучларига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Бу ишончга ҳарбий хизматчилар муносиб хизматлари билан жавоб қайтармоқдалар.

Миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва янги техникалар билан таъминлаш бўйича сўнгги йилларда кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Қуролли Кучларимиз куч-қудрати, салоҳияти сезиларли даражада ошди, жанговор тайёргарлик бўйича янги босқичга ўтилди. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларни модернизация қилиш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, моделлаштириш ва симуляция воситалари билан жиҳозлашга улкан ишлар қилинди. Эндликда чуқур билимга эга, теран фикрлайдиган, интеллектуал савияли етук офицерлар ва янги ҳарбий техника, илм-фан йўналишлари

асосида таҳсил олган ҳарбий хизматчилар армиямизнинг асосини ташкил этади.

Халқимиз бутунлай янги қиёфа касб этаётган ўз миллий армияси билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда миллий армиямиз етарли даражадаги куч ва салоҳиятга эга. Ватан ҳимояси ишончли қўлларда.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетида ўқув-тарбиявий жараёнини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш йўналишлари сифатида Ватанга содиқ, билимдон ва интеллектуал ривожланган, юқори касбий ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, ҳарбий бўлинмаларни бошқара оладиган, мураккаб шароитларга тезкорлик билан мослаша оладиган ва мустақил равишда ҳаракатлана оладиган, мақсадга мувофиқ қарорларни қабул қила оладиган тиббиёт хизмати офицер кадрларни тайёрлаш билан бирга тиббиёт мутахассисларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Уларга ҳозирги замон қуролли

тўқнашувларнинг ҳарбий ҳаракатлар театрида ўз касбий мутахассисликлари бўйича тиббиёт ходимларига мансуб вазифаларни бажариш ўргатилиб, малакаларини оширишлари учун юқори малакали педагог кадрлар таҳсил бериб келмоқдалар. Шунини унутмаслик лозимки жанг майдонида жароҳатланган жангчи биринчи навбатда тиббиёт ходимига Аллоҳга интилгандай интилиб ёрдамга муҳтож бўлади. Ушбу ёрдамни беришда тажрибаси етук, билими пухта тиббиёт мутахассисини тайёрлаш, Ватан ва келажак олдидаги энг олий бурч ҳисобланади. Ҳарбий шифокорни жангчиларга кўтаринки руҳ бағишлаш, уларни олға сафарбар қилиш учун шахсий намуна кўрсатиш, яхши қийматли адо этиши қаҳрамонликка қиёслаш мумкин.

Ватанимиз – онамиз, биз ишқидо ёнамиз, Эртаю кеч қошида жон фидо, парвонамиз!

Уткир АКБАРОВ,

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети Умумҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси

МЕНИНГ АРМИЯМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

Тошкент тиббиёт академияси "Шифокор" спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти билан ҳамкорликда "Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати" шиори остида "Менинг армиям – менинг фахрим" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 28 йиллиги ва "Ватан ҳимоячилари кунини" муносабати билан ташкил этилган тадбирда Тошкент тиббиёт академиясининг барча факультетлари ва профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Инсон дунёга келган жой унинг учун жондан азиз Ватани, аждодларнинг хоки тўкилган жой эса инсон учун бебаҳо неъматлардан ҳам қимматли ҳисобланади. Ватан – меҳр-мурувват манбаидир. Тинчлик – энг олий неъмат. Она Ватан тинчлигини сақлаш, унинг тупроғини кўзимизга суриш, уни ҳимоя қилиш шу Ватанда яшаб улғаяётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу муқаддас туйғунини улғайиб бораётган ёш авлоднинг қон-қонига синдириш, улар онгида ўчмас аланга этиб шакллантириш ҳозирги кундаги асосий вазифалардан биридир.

Тадбирда мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ўз ҳиссасини қўшаётган, жумладан, миллий армиямиз сафларига юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлашда ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети шахсий тарихи ҳарбий хизматчилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

- Ўқув-илмий бўлим бошлиғи Абдухамид Бекенов;
- Ўқув-илмий бўлим бошлиғи ўринбосари Шукрулло Яхяев;
- Ҳарбий шифокорларни тайёрлаш курслари бошлиғи, катта ўқитувчиси Азамат Жозилов;
- ҲТФ кадрлар бўлими бошлиғи Азим Баиев;
- Умумҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси Уткир Акбаров;
- РЗОТ курси бошлиғи, катта ўқитувчиси Темур Холиқбердиев;
- ҚТММО ва ҚТ курслари бошлиғи, катта ўқитувчиси Музаффар Назаров;
- ҲГ ва ЭКТР ва ТХКБ кафедра бошлиғининг ўринбосари Адил Қудаяров;
- Ҳарбий дала хирургия кафедраси катта ўқитувчиси Джамолиддин Абдусаматов;
- Умумҳарбий тайёргарлик кафедраси бошлиғи Эраж Ахмедов;
- Моддий техник таъминот бўлими бошлиғи Тулкин Ботиров;
- Умумҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси Хасанбой Касимов;

- Ҳарбий дала хирургия кафедраси ўқитувчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Абдураим Рахимов;
- ҲГ ва ЭКТР ва ТХКБ кафедра катта ўқитувчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Соли Ярашев;
- Ҳарбий дала терапия кафедраси ўқитувчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Исроил Маматов;
- Умумҳарбий тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Валерий Чуб.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан Тошкент тиббиёт академиясининг ўқув ишлар бўйича проректори Шухрат Боймуратов, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Турдукул Бобомуратов, Тиббий педагогика факультети декани, профессор Аброр Хамраев, даволаш, тиббий профилактика факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовинлари – Алижон Хатамов, Алишер Раззоқов, ТТЖ тарбиячи педагоглари – Зафар Ниёзов, Эльмурод Мирзаевлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўшиғи садоси остида патруллик кавалерия бўлинмаларидаги отлар, енгил автомобиль ва мотоциклларнинг стадион йўлига бўйлаб намойиши, курсантларнинг карабин қуроли билан кўргазмалар саф ва қўл жанги бўйича жанговар кўргазмалар чикишлари, Оркестр ва "Алвон беретлар" бадий ҳаваскорлик ансамбли ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг "Наво-шифо" ансамблининг концерт дастурлари ҳавола этилди.

Шунингдек, тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти курсантлари ўзининг кўргазмалар чикишларини намойиш этишди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 28 йиллиги ва "Ватан ҳимоячилари кунини" муносабати билан Тошкент тиббиёт академиясининг барча факультетлари ва талабалар турар жойларида маънавий-маърифий тадбирлар ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Х.НУРБОЕВА,

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси, **Н.АБДУРАХМОНОВА,**

Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини

УСТОЗ ВА ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ҳарбий тиббиёт Қуролли Кучларнинг асосий қисмларидан бири ҳисобланиб, у ўз таркибига бир-бири билан чамбарчас боғланган қисмларни: ҳарбий тиббиёт фанини, ҳарбий тиббий ташкиллаштириш назарияси ва ҳарбий тиббий амалиётни мужассамлаштиради. Буларнинг барчаси Қуролли Кучлар шахсий таркибини тиббий таъминлашда илмий ва ташкилий-услубий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қилади.



Уруш вақтида тиббий хизмат жанг майдони ва тиббий эвакуация босқичларида ярадор ва касалларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича энг муҳим бўлган вазифаларни бажаради. Ушбу вазифаларни тиббий хизмат томонидан самарали равишда бажариши учун барча тиббиёт ходимлари замонавий шароитларда жанговар ҳаракатларни олиб бориш усулларини, жанговар патологияни чуқур билишлари, даволаш-эвакуация, санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни, душманнинг оммавий қирғин қуролларидан шахсий таркибини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ташкил қилиш ва амалда ўтказишни билишлари ҳамда етарли даражада ташкилотчилик малакасига эга бўлишлари керак.

Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш давомида ҳарбий-тиббий шифокорларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 10 июль кунини Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Ҳарбий-тиббиёт факультетини жорий этиш бўйича қарор қабул қилинган.

Ҳозирги кунда мазкур факультет таркибида Қуролли Кучлар тизимидаги тузилма ва бўлинмаларда хизмат қилаётган тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсидан ташқари келажакда ҳарбий шифокор бўлишни мақсад қилиб, факультетда

таҳсил олаётган курсантларга ҳарбий-тиббиёт соҳасининг сир-асрорларини ўргатиш борасида Қўшинлар тиббий таъминотини ташкил этиш, Ҳарбий дала жарроҳлиги, Ҳарбий дала терапияси ва Ҳарбий гигиена ва эпидемиология сингари бир неча кафедралар фаолият юритиб келмоқда.

Қўшинлар тиббий таъминотни ташкиллаштириш кафедраси факультетдаги қўшинлар тиббий таъминотини ташкиллаштириш йўналишидаги асосий кафедралардан ҳисобланади.

Кафедранинг кундалик ўқув жараёнида Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг Ҳарбий шифокорлар тайёрлаш курси курсантларидан ташқари Тошкент тиббиёт академияси, Фармацевтика ва Стоматология институти талабаларига Қўшинлар тиббий таъминотини ташкиллаштириш ва бошқа ҳарбий тиббиёт соҳасига оид фанлардан таълим бериб келмоқда.

Кафедра ҳарбий-тиббиёт факультетида асосий кафедралардан бири бўлиб, фаолиятининг асосий йўналиши ҳарбий тиббиёт фанини, ҳарбий тиббий ташкиллаштириш назарияси ва ҳарбий тиббий амалиётини тадқиқот қилишга қаратилган.

Қўшинлар тиббий таъминотини ташкил этиш кафедраси факультетнинг бошқа кафедралари қатори тарихан қисқа муддат ичида миллий ҳарбий-тиббий кадрлар тайёрлаш тизимида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва уни

ҳаётга татбиқ этиш, соҳага оид таълимни йўлга қўйиш ва ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш борасида тизимли йўналишни шакллантирди.

Ҳозирги кунда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан битта дарслик, 40 тадан ортиқ ўқув, услубий қўлланмалар ва 10 тадан ортиқ мақолалар чоп этилган.

Ҳарбий таълим соҳасида хорижлик ҳамкасбларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет эл Ҳарбий-тиббий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган бўлиб, Россия Федерацияси, Ҳиндистон, АҚШ ва бошқа бир қатор хорижий давлатларнинг тиббиёт ходимлари билан тажриба алмашиш йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда кафедрада талаба ва курсантларга қўшинлар тиббий таъминотни ташкиллаштириш бўйича ҳарбий шифокорнинг олдида турган вазифаларни ўргатиб боришда Қуролли Кучлар тизимида бир неча йиллар давомида хизмат қилиб келаётган тажрибали ўқитувчилар фаолият олиб бориб, "Устоз ва шогирд" анъаналарини давом эттирган ҳолда ўзларининг орттирган назарий билим ва тажрибаларини улашиб келишмоқда. Кафедрада талаба ва курсантларни билим олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Қ.ЖУМАЕВ,

Қўшинлар тиббий таъминотини ташкил этиш кафедраси бошлиғи ўринбосари

